



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Даврга  
бўйсунмаган  
даврдан  
ташқарида  
яшайди ва  
ундан ҳеч нарса  
ололмайди

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни  
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 28-iyul, chorshanba, 83 (23.519)-son

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

### Уларнинг ўз уйи бўлади

Туман ва шаҳарларда Меҳрибонлик уйларида тарбияланган чин етимларнинг 26 нафарига янги уй-жойлар жиҳозланган ҳолда тантанали топширилди. Жумладан, 10 нафар йигит-қиз Жомбой туманидаги кўп қаватли уйда ўз хонадонига эга бўлди.

саломатлигини асраш учун хизмат қиламан. Самарқанд шаҳридаги 11-Меҳрибонлик уйини битирган Фирдавс Муродов айна пайтда Меҳнат маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари вазифасида ишласа-да 9 йилдан буён ижара уйда яшарди. Бугун унга шаҳарда янги қурилган уйлардан хонадон топширилди.

– Ўз уйинг бўлиши қандай бахт, – дейди Фирдавс Муродов. – Бугун менга вилоят ҳокимлиги ана шундай бахтни тўхфа қилди. Бунга жавобан албатта Ватанимга муносиб фарзанд бўлиб, унинг тараққиётига ҳисса қўшман.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда вилоятимизда Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг 20 нафарига янги қурилаётган кўп қаватли уйлардан хонадонлар ажратилиб, 2 миллиард сўм бошланғич тўлов тўлаб берилган. Шунингдек, йигит-қизларнинг бандлиги таъминланган. Яна 12 нафар ёшларга 1 ва 2 хонали уйлар берилган.

Жорий йилда ушбу хайри ишларнинг кўлами анча кенгайган. 84 нафар чин етимлардан ташқари, Меҳрибонлик уйида тарбияланган, аммо ўз уй-жойига эга ёшларнинг хонадонлари ҳокимлик ва ҳомийлар кўмағида таъмирлаб берилмоқда.



Маросимда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этиб, ёшларни табриқлади. – Бу йил вилоятимиз бўйича 59 нафар чин етимларни уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилган эди, – деди Э.Турдимов. – Аммо кейинги ўрганишларда вилоятимизда бундай ёшлар 84 нафар эканлиги маълум бўлди ва уларнинг 26 нафарига вилоят ҳокимлиги ва саховатпеша тadbикорларимиз томонидан 6 миллиард сўм маблағ сарфланиб, янги уйларни топширяпмиз. Шу йилнинг 1 октябрга қадар қолган 58 нафар йигит-қизлар ҳам ўз уйига эга бўлади.

Ўғилой Тоғаева Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйида тарбияланган. Мактабни битирганидан кейин Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Айна пайтда институтни битираётган Ўғилой Жиззах вилоятининг Бахмал туманида умумий амалиёт шифокори сифатида ҳам ишламоқда. – Энг катта орзуларимдан бири ушалди, – дейди Ў. Тоғаева. – Жомбой туманида ўз уйимга эга бўлди. Энди мутасаддилар ишимни ҳам шу ерга кўчириб беришларини айтишди. Бор билим ва

«30 июль – Халқлар дўстлиги куни»

Қўшработ тумани марказига бориб, “Шура опани танийсизми?”, деб сўрасангиз, ҳеч ким “Йўқ, таниймайман!”, деб айтмайди. Асл исми-шарифи Ахмедова Александра Ивановна бўлган рус аёли оиласи билан 1975 йилда туманга кўчиб келган.

### Қадрдон дўст, қавму қариндош

Туманнинг Муस्ताқиллик маҳалласидаги Ғалаба кўчаси бир пайтлар халқ тилида “Ўрис қишлоқ” деб аталарди. Сабаби бундан 30 йиллар илгари шу кичик бир гузарда ўндан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилган. Уларнинг аксарияти рус миллатига мансуб бўлган. Ҳозир бу ерда бошқа миллат вакилларидан фақатгина Шура опанинг оиласи қолган. Аҳамиятлиси, унинг фарзандларини ўзбеклардан фарқлаш жуда қийин. Сабаби уйда рус тилида гаплашса-да кўчага чиққан ўзбекча, шу туман шеvasида сўзлашади. Ўзбек оилалари билан қанда-анда бўлиб, кўни-қўшнилари билан аҳил-иноқ ҳаёт кечиради.

– Шундай юртда яшаётганимдан хурсандман, – дейди Шура опа. – Кўни-қўшилари, қанда-андалар – қадрдон қариндошларим. Тўй-маъракаларда ёлғизлатиб қўйман бундай дўстларнинг борлигидан фархланиман. Вилоятимизда 30 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари билан иборат ярим миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг яшashi, меҳнат қилиши, миллий урф-одатлари бўйича тўй ва маросимлар ўтказиши, фарзандларининг ўқиши учун барча шароитлар яратилган. Шу йил Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилган Самарқанд шаҳридаги “Дўстлик уйи”да 11 миллий маданий марказ фаолият кўрсатиб келмоқда. – Кейинги йилларда юртимизда, хусусан вилоятимизда бошқа миллат вакиллари учун жуда катта имкониятлар яратилди, – дейди тожик ва тожик-



забон миллий маданий маркази раҳбари Акбар Маҳмудов. – Биргина Жартепа чегара постининг очилиши, азалдан қавму қариндош, қанда-анда бўлган тожик ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаккамлади. Ўн йиллаб бир-бирини кўрмаган яқин қариндошларни дийдорлаштирди. Ўзбекистон ҳудудидан тожик тилида таълим бериладиган 1 та мактаб, 36 та мактабда синфлар мавжудлиги ҳам қувонарлидир. Бу мактабларни тугатган битирувчилар эса ўқишларини олий таълим муассасаларида давом эттириши учун ҳам имкониятлар яратилган. Сабаби Самарқанд давлат университетида 11 факультетда тожик гуруҳлари ташкил этилган. Шунингдек, вилоятда фаолият олиб бораётган мактабларнинг 91 тасида ўзбек ва рус тилларида, 9 тасида эса рус ва тожик тилларида ўқувчиларга таълим берилади. Тўлқин СИДДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

### 5 ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР “А” ВИТАМИНИ БИЛАН БЕПУЛ ТАЪМИНЛАНИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2021 йил 26 июль) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2021-2022 йиллар давомида туман (шаҳар) тиббиёт бирилшамалари таркибиде 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилади.

Марказлар “олтин соат” тамойили асосида қўшма шикастланишлар ҳамда ўткир қон-томир касалликлари тиббий ёрдамга муҳтож беморларга шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатади;

ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларга гемодиализ хизматини кўрсатади.

Марказларга ҳудудлардаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, шошилинч тиббий ёрдам ва умумий жарроҳлик бўлимларининг умумий ўринлари сони доирасида 50 тадан 60 тагача ўринлар ажратилади.

6-23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукуни билан; 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар “А” витамини билан; 2-10 ёшдаги болалар гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан;

ҳомилалар ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-15 ёшдаги болалар йод препарати билан; 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар темир ва фолий кислотаси препарати билан БЕПУЛ ТАЪМИНЛАНАДИ.

Қарор билан 2021-2023 йилларда болалар, туғиш ёшидаги, ҳомилалар ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

### Индаллосини айтганда...

Қиёмиддин НАЗАРОВ, Фалсафа фанлари доктори, профессор: – Камбағаллик кўп ҳолатларда бартараф этиш мумкин бўлмаган, ҳеч қачон ўзгармайдиган ва абадий иложсизлик ҳолати эмас. Балки бу – аксарият ҳолларда “Камбағилликнинг айби йўқ” деган эски тушунчага ҳамда унга асосланган бир томонлама ёндашувга ўрганиб қолиш, шароитга кўникиш ва мослашиш ҳолатидир.

### “Порталга ёзаман”. “Халқ қабулхонасига устингдан арз қиламан”.

Гоҳида ҳазил, гоҳида зарда билан айтилган бундай гаплар аслида давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар нечоғли самара бераётганини кўрсатиб турибди. Чунки узоқмас, 5-10 йилнинг нари-берисида дардингни Худого айтишдан бошқа илож йўқ эди. Сабаби бирор муаммони қайси бир идорага айтманг, “қўриб чиқамиз”дан нарига ўтилмасди. Айна шу сабабли давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жойларда бевосита Президент Администрациясига бўйсунувчи мустақил институт – Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

### МУРОЖААТЛАР ЙИЛ САЙИН ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган Халқ қабулхоналарига жорий йилнинг олти ойида юридик ва жисмоний шахсларнинг 13 минг 486 та мурожаати қабул қилинган. Яъни, мурожаатлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 минг 447 тага кўпайган.

– Мурожаатларнинг 1652 таси юзасидан Халқ қабулхонаси ходимлари томонидан тегишли тартибда ҳуқуқий маслаҳатлар берилган, – дейди вилоят Халқ қабулхонаси мудир М.Турдиев. – 12 минг 244 таси эса мутасадди ташкилотларга юборилган.

Қўриб чиқиш натижалари бўйича 8 минг 274 та (59 фоиз) мурожаат қаноатлантирилган. Яъни, кўтарилган 3 минг 911 та масала ижобий ечимини топган бўлса, 4 минг 378 та мурожаат ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал қилинган.

Ўз навбатида, мурожаатларнинг 160 таси рад этилиб, 4011 таси бўйича тушунтириш берилган, 61 таси кўрмасдан қолдирилган.

### ЭНГ КЎП МУРОЖААТ ҚАЙСИ СОҲАДА?

Қайд этилишича, мурожаатларнинг аксарияти газ, электр ва сув таъминоти бўйича келиб тушмоқда. Жорий йилнинг

## Халқ қабулхонаси демократик институтга айланади(ми?)

дастлабки ярида Халқ қабулхоналарига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларига оид 1434 та мурожаат бўлган.

Моддий ёрдам олиш бўйича 1197 та, бандлик масаласида 1165 та, уй-жой ва ер билан таъминлаш тўғрисида 777 та, пенсия ва нафақа тайинлашга оид 710 та, соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 630 та мурожаатлар ижрога қаратилган. Бундан ташқари, алимент пулларини ундириш сўралган 963 та мурожаат қайд қилинган.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими бўйича ўтказилган йиғилишда Президентимиз қайд этганидек, одамларни мурожаат қилишга мажбур этаётган муаммоларни маҳалланинг ўзида, тўлиқ ҳокимлик кучи билан ҳал қилиш мумкин.

### ИШЛАР РЕЖАЛИ БЎЛАДИ

Аслини олганда бундан кўп эмас 5 йиллар аввал Қўшработ тумани Бозоржой, Қўролос ёки Нуробод туманидаги Пўлатчи, Жарқудук маҳаллаларида бирор ўзгариш бўлишига кўнда умид қилинмас эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сайёр қабуллар йўлга қўйилиши, Халқ қабулхоналари ташкил қилиниши бу каби қишлоқлар одамларида ҳам бахтли яшашга умид ўйотди. Натияжада бугун эйтибордан четда қолаётган барча қишлоқларга замон нафаси кириб бормоқда.

Каттакўрғон шаҳридаги Ингичка кўрғони ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади. Чунки бу ерда мавжуд инфратузилма кўп йиллик эътиборсизлик оқибатида ўта ночор аҳволга келиб қолган. Бу табиийки, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, массивда 15,2 километр ичимлик сув қувурларини янгиллаш, 2 километр ирригация тармоғи қуриш, 4 та сув иншо-

отини реконструкция қилиш, 5 километр йўлга тош-шағал, 1,7 километр йўлга асфальт қопламаси ётқизиш режалаштирилган. Шунингдек, ҳудудда 3,3 километр пиёдалар йўлаги ва 1 та болалар майдончаси қурилади.

Электр энергияси таъминотини яхшилаш учун 232 та бетон устун, 3 та янги трансформатор пункти ўрнатилиш, 3 та трансформаторни капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Қўшимча тарзда 12 километр электр тармоғи таъмирланади.

### МИСОЛЛАР БОР, АММО АКЦИ ХАМ ЭТАРИЛИ

Шу пайтгача, мавжуд муаммо, одамларнинг мурожаатлари асосида талай ибратли ишлар ҳам қилинганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Мисол учун, вилоят бўйича 28,7 километр тармоқ тортилиб, 11 мингдан зиёд аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Биргина Тойлоқ туманининг Нурли йўл, Хўжаюз, Богизагон ва Тўқай маҳаллаларига 4,2 километр ичимлик сув тармоғи тортилган 3,5 минг нафардан ортиқ аҳоли доимий сув билан таъминланди.

Бундан ташқари, Пайариқ ва Оқдарё туманларини боғловчи Човка қишлоғида янги кўприк қурилди. Нуробод туманидаги Олтинсой маҳалласи Узку қишлоғидан оқиб ўтувчи Эски анҳор канали устидаги кўприк таъмирланди. Умуман, вилоятда 5 та янгидан қурилган ва таъмирланган кўприклар учун 11,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Йўл қурилиши борасидаги ишларга эса бундан қарийб ўн баробар кўп маблағ сарфланган. Хусусан, 116,2 миллиард сўм маблағ асосида 246 километр йўлга қум-шағал, 180,1 километр йўлга асфальт қопламаси ётқирилди.

Аммо ҳамма раҳбар ҳам ишни «халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак»

Ё.МАРҚАЕВ.





